ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ

Ширин Шавкатовна ТИМИРОВА
Ўқитувчи
Қашқадарё вилояти юридик техникуми
Қарши, Ўзбекистон
dvn_shrn@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда аёлнинг ҳурмат-эътиборга эгалиги, унинг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёс эканлиги асослаб берилган.

Таянч сўзлар: гендер тенглик, гендер статистикаси, стереотип, зўравонлик.

ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Ширин Шавкатовна ТИМИРОВА
Преподаватель
Кашкадарьинский областной юридический техникум
Карши, Узбекистан
dvn_shrn@mail.ru

Аннотация

В этой статье обосновывается важное значение женщин в Новом Узбекистане и их уникальная роль в обществе.

Ключевые слова: гендерное равенство, гендерная статистика, стереотип, насилие.

“Гендер” тушунчасининг луғавий маъноси лотинча “genus”, яъни “жинс” маъносини англатади. Агарда, биологик жинс инсонларни аёл ва эркакларга ажратадиган бўлса, гендер – бу аёл ва эркакларнинг жамиятдаги ўрнини ажратишга қаратилган. Жамиятда аёл ва эркакларнинг ўз ўрнини топиши ва белгилаши учун давлат уларга бир хил шароит ва имконият яратиб бериши гендер тенгликни таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунида *гендер* — хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати деб келтириб ўтилган. Мазкур қонун хотин-қизларга жамиятдаги юқори поғоналарга кўтарилиш имкониятини янада оширишга хизмат қилади.

Ўз навбатида, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кучайтириш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётнинг барча босқичларида ҳар томонлама иштирок этиши ҳамда қарор қабул қилишда тўла қатнаншиш, ўз фикрини эркин намоён эта олиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ачинарлиси шуки ҳозирги кунда маҳаллада, кўча-куйда, жамоат жойларида “Гендер тенглик нима эканлигини биласизми?” деб савол берсангиз аҳолининг кўп қисми бу ҳақида аниқ тушунчага эга эмаслигини таькидлайди. Ушбу сўровлар асосида кўп ҳолларда эркаклар салбий фикрдалигини кузатиш мумкин. Эркакларда шундай стереотип мавжудки аёл киши бу уйда рўзғор, фарзанд тарбияси, уй юмушлари билан шуғулланишга мажбур бўлган шахс. Ваҳоланки, жамиятда аёллар, уй ишлари билан биргаликда давлат ишида ҳам фаол қатнашади.

Ҳозирги кунда шундай ҳолатлар юзасидан яьни жамиятда хотин-қизлар ўрни ва ролини ошириш, уларни давлат бошқаруви соҳаларида фаолият юритиши, уларнинг иқтисодий ва руҳий ҳолатини стабиллаштириш масаласи давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг маъруза ва асарларида алоҳида таъкидланмоқда. Ўзбекистонлик ва дунё олимлари қолаверса, мамлакатимизда оила ва жамият алоқаларини ўрганишга хизмат қиладиган халқчил методларини ўзида акс эттирган назарий тадқиқотлар ва етакчи олимлар – Н.Нишонова, М.Холиқова, В.Каримова, Т.Файзиев, О.Мусурмонова, Д.Ташмухамедова, ҳамда хорижлик соҳа мутахассислари – Ф.Фукуяма, Г.Турецкая, И.Фурмановларнинг фундаментал манбаларида ўз аксини топган.

Мазкур мавзуни тадқиқ этиш жараёнида хотин-қизлар ҳуқуқи ва жамиятдаги ролини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича бир қанча ҳуқуқшунос олимларнинг изланишлари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қуйидаги таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли, оиладаги ўрни борасидаги инсонлар онгида мавжуд бўлган стереотипларни ўзгартириш. XXI асрда жамиятда аёллар роли олдингига нисбатан анчагина ошди. Бунга

сабаб хотин-қизлар ҳақида инсонлар онгидаги шаклланган стереотипларни ўзгартириш, уларнинг фаоллигини ошириш, гендр тенгликни таьминлаш ва тайзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масаласи бўйича 20дан ортиқ норматив ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

Инсон ҳаёти давомида кўпгина стереотипларни ўзида шакллантириб олади. Ана шундай стереотиплардан гендр стереотиплари ҳозирги кунга қадар инсонлар фаолиятида ўзининг салбий томонларини намоён қилса ҳам ўз кучини йўқотмади. Масалан аёлларга ҳос бўлган гендр стереотиплар – аёллар – ҳамширалар ва шифокорлар; аёллар эркакларга нисбатан кам маош топишади; аёлларга яхши таьлим олишнинг хожати йуқ у рўзғорбоп бўлиши шарт; хотин-қизлар молияни ёмон бошқарадилар ва ҳоказоларни келтириш мумкин. Айнан шу каби стереотиплар сабабли кўп ҳолларда қизлар ўзларининг орзу-истакларини, келажак учун белгилаган режаларини эркин намоён эта олмайдилар ва айнан шу стереотиплар сабабли юқори маош тўланадиган қурилиш, иқтисод, сиёсат соҳаларида аёллар кўпчиликни ташкил этмайди. Ушбу стереотипларни одамлар онгидан чиқариб юбориш ва ўзгартириш учун давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини кузатиш мумкин.

Иккинчидан, таьлим муассасаларида мавжуд барча ҳуқуқшунослик предметларида Гендер тенглик масаласини мавзу сифатида киритиш лозим. Ушбу масалани ҳал этиш ва олдини олиш борасида ҳозирги кунда таьлим соҳасида ҳам гендер тушунчасини, тенглик масаласини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Албатта бу борада ишлар амалга оширилмоқда аммо ҳар бир фуқаро бефарқ бўлмаган ҳолда ўзида ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантириш орқали ёш авлодни гендер тенглиги руҳида тарбиялашга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таьминлаш масалалари бўйича комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан “Хотин-қизларнинг ижтимоий-

иқтисодий соҳалардаги мавқеини кучайтириш” мавзусида ўтказилган онлайн давра суҳбати, ёки USAIDнинг қонунчиликни ислоҳ қилиш доирасида “Гендер тенгликни таьлим соҳасида қўллаш масалалари” мавзусида семинар-тренинглар ташкил этилаётгани таҳсинга сазовор. Ушбу семинарлар орқали инсонлар ҳуқуқий маданияти янада ошиши шубҳасиз.

Ва ўз навбатида ҳар бир ўқитувчи ўзи ўтадиган фани доирасида мавзуларни гендер сезгирлиги призмаси орқали дастурини амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда демократик жамиятда яшашимизга қарамай хотин-қизлар зўравонлик ва тайзиққа ҳамда бир қанча камситилишларга учраётганини кузатиш мумкин. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳатлар хотин-қизларнинг камситилиши, руҳий ва жисмоний тайзиққа учрашининг олдини олишга қаратилган. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг 2021 йил сарҳисобига қараганда жами 7869 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 7.103 таси аёллар ва 464 таси эркаклардан, 302 таси эса 18 ёшгача бўлган болалардан бўлган. Келиб тушган мурожаатларнинг 5043 таси турли шакллардаги зўравонлик муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлиб, 1524 та жисмоний зўравонлик, 45 та жинсий зўравонлик, 2769 та руҳий зўравонлик, 705 та иқтисодий зуравонлик бўйича аризалар қабул қилинган. Бошқа турли масалалар юзасидан эса мурожаатлар сони 2.826 тани ташкил этган. Булар турли ижтимоий-маиший, ишсизлик, моддий етишмовчилик, уй-жой, болалар, пенсия ва нафақалар билан боғлиқ ва бошқа муаммолардир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил январь-ноябрь ойларидаги фаолият сарҳисобига эьтибор қаратидиган бўлсак жисмоний зўравонлик – 12.215 та, жинсий зўравонлик – 90 та, иқтисодий зўравонлик – 208 та, тайзиқ ва таҳдид ҳолатлари – 6513 тани ташкил этган. 2021 йилнинг 11 ойи ичида республика бўйича зўравонлик ва таҳдидларга учраган 35.994 нафар хотин-қизга Ҳимоя ордери расмийлаштириб берилган.

Ушбу Ҳимоя ордерлари:

24.265 та ҳолатда хотинга эридан ҳимоя қилиш учун;

1.472 та ҳолатда келинга қайнонадан ҳимоя қилиниш учун;

1 066 та ҳолатда қайнонага келинидан ҳимоя қилиниши учун;

9 191 та ҳолатда эса бошқа шахслардан ҳимояланиш учун берилган [6].

Учинчидан, келтирилган статистик маьлумотга кўра деярли барча ҳолларда ҳимоя ордери хотин-қизларга берилганлиги ва ачинарлиси эса аёл кишини аёлдан ҳимояланиши учун берилганидир. Ушбу статистик маьлумотлар асосида айтиш жоизки, бўлғуси келин-куёвлар учун инновацион мактаблар, яъни ФҲДЁга ариза берган ёшлар ўқитилиши йулга қўйилган эди. Аммо нимагадир ушбу лойиҳанинг самараси ва натижа тўғрисида маълумотлар йўқ. Агарда шу лойиҳа доирасида барча белгиланган шахслар сидқидилдан ёндашса ва ҳаракат қилинса, шу билан биргаликда айнан мана шу мактабда ёшларга гендер тенглиги, тазйиқ, зўравонлик ва унинг оқибатлари ҳақида тушунчалар сингдирилса, аёл киши ҳам рузғор тебратишда, оиладаги муҳим масалаларни ҳал қилишда ўзининг ўрнига эга эканлиги, унинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари борлиги ҳақида кўпроқ тарғиб этилса юқорида келтирилган статистик маьлумотларни пастроқ кўрсаткичларини кузатган бўлар эдик.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга назар ташласак қанчалик кенг имкониятлар хотин-қизлар учун яратилган шароитларни таҳлил қилишимиз мумкин. Ушбу қонун инсонлар ҳаётининг барча жабҳаларини ўзида қамраб олган бўлиб, давлат хизмати соҳаси, сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, таьлим, илм-фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатланганлиги ва гендер тенглигида илк қадам бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқида “Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни авваламбор она, оила

қўрғонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак” деган фикрлари Янги Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясининг яққол намоёнидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугунги кунда гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор қадамларидан бири бўлди. Янги қонун бунинг яққол далили бўлиб, келгусида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, хотин-қизларни жамиятнинг барча соҳаларида нафақат таьлим, тиббиёт балки иқтисод, қурилиш, спорт, сиёсат ва бошқа юқори маош тўланадиган, ўзининг фикрини қатъиян билдириб давлат фаолиятида ўз ўрнига эга бўлган хотин-қизларни тарбиялаш, мавжуд стереотипларни ўзгартириш ёки умуман улардан воз кечиш учун асос бўладиган тарихий ҳужжатдир. Албатта буларни барчасини амалга оширишда бирдамлик ва ҳамжиҳатлик асосида ҳаракат қилинса, болани оиладан бошлаб гендер тенглик руҳида тарбиялаш йўлга қўйилса келажакда ўз мевасини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. www.LEX.UZ
2. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрь ЎРҚ-562-сон Қонуни. www.LEX.UZ
3. Хотин-қизларни тайзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрь ЎРҚ-562-сон Қонуни. www.LEX.UZ
4. Зўравонликка йўл йўқ! https://t.me/zoravonlikka_yol_yoq_netnasiliyu
5. Повышение общественно-политической активности женщин – важный фактор проводимых в нашей стране реформ. //Сборник статей Рес. научно-прак.конф. – Ташкент, 2019 года 26 февраля.

6. Холиқова М. Катталар таълимининг мухим императивлари //https://oilamarkazi.uz/scientificarticles/kattalar-ta-limining-mu-im-imperativlari
7. Lex.uz
8. Gazeta.uz
9. Strategy.uz